

## IX-XII АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАСАВВУФИЙ-ФАЛСАФИЙ ГОЯЛарНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ДОИР ТАДҚИҚОТЛАР ШАРХИ

**Эваторов Салимжон Собирович**

Фарғона давлат университети Фуқаролик жамияти кафедраси катта ўқитувчиси, фалсафа  
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6821616>

**Аннотация.** Мақолада IX-XII асрларда Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий гояларниң шаклланишига доир тадқиқотлар шарҳи, изланишлар натижаларидаги хилмачиллик ва бу мавзуга доир янги изланишларга бўлган зарурат масалалари ёритилган.

**Калим сўзлар:** тасаввуф, тасаввуфий-фалсафий таълимотлар, иймон, ислом, эҳсон, илоҳий ишқ, руҳий камолот, комил инсон, холлар ва мақомлар.

### **ОБЗОР ИССЛЕДОВАНИЙ ФОРМИРОВАНИЯ МИСТИЧЕСКИХ И ФИЛОСОФСКИХ ПРЕДСТАВЛЕНИЙ В СРЕДНЕЙ АЗИИ В IX-XII ВВ**

**Аннотация.** В статье описывается обзор исследований по формированию мистико-философских представлений в Средней Азии в IX-XII вв., многообразие результатов исследований и необходимость новых исследований по данной теме.

**Ключевые слова:** Суфизм, мистико-философские учения, вера, ислам, ихсан, божественная любовь, духовное совершенство, совершенный человек, качества и статусы.

### **REVIEW OF RESEARCH ON THE FORMATION OF MYSTICAL AND PHILOSOPHICAL IDEAS IN CENTRAL ASIA IN IX-XII CENTURIES**

**Abstract.** The article describes the review of studies on the formation of mystical-philosophical ideas in Central Asia in the IX-XII centuries, the diversity of research results and the need for new research on this topic.

**Keywords:** Sufism, mystical-philosophical teachings, faith, Islam, exson, divine love, spiritual perfection, perfect person, states and situations.

### **КИРИШ**

Тасаввуф Шарқ халқлари диний маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Марказий Осиёда тасаввуфнинг шаклланишига доир тадқиқотларни кузатар эканмиз, биринчидан, дунёнинг турли давлатларидағи тадқиқотчилар тасаввуф ҳақида асосан ўзларининг доираларида устувор бўлган қарашларга таянган ҳолда сўфиийлик таълимотининг тарихи, шаклланиши ва ривожланиши ҳамда унда илгари сурилган гоялар ҳақида турлича фикрлар билдирганлар. Иккинчидан, Марказий Осиёдаги тасаввуф бошқа ҳудудлар, хусусан, Хурросон тасаввуфининг таркиби сифатида ўрганилган. Учинчидан, Марказий Осиё тасаввуфи асосан XII аср тариқатлар давридан бошлаб тадқиқ қилина бошланганлигини кузатишмиз мумкин. Мазкур бобда IX-XII асрларда Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий гояларниң шаклланишига доир тадқиқотлар шарҳига эътибор қаратилиб, мавзуга доир ўрта асрларда яратилган манбалар билан бир қаторда XX - XXI асрда Шарқ ва Ғарб тадқиқотчилари томонидан олиб борилган илмий изланишларга кенг ўрин берилган.

## ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ислом дини ва маданиятининг катта қисмини ташкил қилувчи тасаввуф илми, яъни ислом тасаввуфи ўз тарихи, шаклланиш ва такомиллашиш жараёнига эга. Тасаввуф ислом анъаналарига асосланган илм бўлиб, сўфийлар ўз фаолиятини имом Муслим ривоят қилган «Жаброил ҳадиси» деб номланган машхур ҳадис билан асослаган. Пайғамбар (с.а.в.) Жаброил (а.с.) билан бўлган сұхбат асосида ислом дини учта – иймон, ислом ва эҳсон руқнларидан иборат эканлигини баён қилганлар ва эҳсонни "الاحسان أَنْ تَعْبُدَ اللَّهَ كَانَكَ تَرَاهُ فَإِنْ لَمْ تَكُنْ تَرَاهُ فَهُوَ يَرَاكَ" , яъни Оллоҳга худди Уни кўриб турганингдек, ибодат қилмоғинг, гарчи уни кўрмасанг ҳам, у сени кўриб тургандек ибодат қилмоғингдир» деб таърифлаганлар[1]. Мўъминга ҳар бир ишда Оллоҳга йўналишини, ҳар бир ҳаракатини фақат Оллоҳнинг розилиги учун ихлос билан бажаришни ўргатадиган, хуллас, мусулмон шахс динини комил қиладиган йўл, бу – эҳсон мақомидир.

Сўфийлар тасаввуфни айнан эҳсон мақомига тегишли илм, исломнинг учта устунидан бири эканлигига ургу берип, бу йўлни комил инсонни тарбияладиган йўл сифатида талқин қилишади.

Тасаввуф бошқа исломий илмлардан мустақил равища VIII аср ўрталарига келиб, шаклана бошлади. Аввало, тасаввуфнинг негизлари Куръон ва ҳадисларга таянади. Унинг кейинги босқичларида кўпгина унга зид келувчи хусусиятлар аралашиб кетса-да, улар тасаввуфнинг асл моҳиятига зарап етказа олмаган.

Тасаввуф назарий жиҳатлар билан бир қаторда амалий хусусиятларни ҳам ўзида акс эттиради. Сўфийлар илоҳий ҳақиқатларни маълум бир йўлни амалий босиб ўтиш орқали кашф қиладилар. Улар анъанавий исломий илмларга мустаҳкам таянган ҳолда илҳомга ҳам ургу берганлар. Улар “ирфон” деб аталувчи ладуний илмни маълум бир риёзат натижасида тўпланган ички тажриба ва ақлий мушоҳада асосида кашф қилиш орқали ҳосил қилганлар.

Сўфийлар соф иймон билан қўшилган тажрибаларини ўз хулқ-атворларида, турмуш тарзида ва жамиятдаги муносабатларда акс эттиришга ҳаракат қилганлар, яъни илмларини амалиёт билан бирлаштирганлар. Сўфийлик йўлининг бош ғояси инсон камолоти бўлса, сўфийлар бу камолотга руҳни чиниқтириб, нафси поклаш (Қуръон ибораси билан айтганда تذکرہ) орқали етишишга интилишган. Шундай қилиб тасаввуф, бир томондан, шариат илмлари, иккинчи томондан, ҳикмат ва фалсафа илмига хос ғоялар таъсирида IX аср бошларига келиб, сўфийларнинг ўз-ўзини ва Ҳақни англаб етиш йўлидаги амалий-руҳий усуллари шаклланди ва бу йўлнинг назарий асослари яратилди. Тариқат, маърифат, ҳақиқат деган тушунчалар юзага келиб, тасаввуфнинг ушбу уч қисмига оид қарашлар мажмуи тузилди, тасаввуф алоҳида илм сифатида қарор топди[2], деб ёзди профессор Нажмиддин Комилов.

Аввало, шуни қайд этиш жоизки, илмнинг қайси соҳаси бўлишидан қатъи назар етарлича билим эгаллаш ва батафсил тадқиқот олиб бориш учун, ўша соҳага доир тадқиқотлар, манбалар ва маҳсус асарларни тадқиқ этиш лозим бўлади. Шундан келиб чиқиб, Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий ғояларнинг шаклланишини ўрганишга доир тадқиқотларни қўйидагича таснифлаш мумкин:

Тасаввуф оламининг етук вакиллари, алломалар, буюк устозлар, тариқатлар асосчилари томонидан ёзилган асарлар;

Тасаввуф назариётчилари, шарқшунослар ва бошқа тадқиқотчилар томонидан тасаввуф таълимоти тадқиқига бағишиланган асарлар ҳисобланади.

Сўфийлар ва тариқат вакиллари томонидан ёзилган асарларни Усмон Турар куйидагича таснифлаган:

- тасаввуфий-фалсафий асарлар;
- тасаввуф илмини изоҳлаган асарлар;
- табоқати суфия китоблари;
- маноқиб китоблари;
- тариқатларга тегишли одоб ва аркон китоблари;
- тасаввуфга доир шеърий шаклдаги асарлар;
- тасаввуфий тафсирлар[3].

Шундай қилиб, тасаввуф таълимоти кўплаб тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, уларнинг тадқиқот натижалари юзасидан чиқарган хуносаларининг хилма-хиллиги кишини ҳайратга солади. Тасаввуф инсон ички олами билан боғлиқ илм бўлганлигидан, у тадқиқотчиларнинг ҳар қандай қараш ва хуносаларини қабул қилиш хусусиятига эга. Афуски, бу тадқиқотларнинг анчагина қисмида мутаассиблиқ, мавзуни чукур англамаслик, моҳиятдан узоклашиб ва кўр-кўронга ёндашувлар ҳам кузатилади. Шунинг учун янги тадқиқотчилар олдида тасаввуф илмларини манбаларга таянган ҳолда асл моҳиятидан йироқлаштирмасдан холисона ёритиш вазифаси туради.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Марказий Осиёдаги тасаввуф назариясига оид асарлар зухд давридаёқ (VIII ўрталари – IX аср) ёзилган. Улар “Китоб аз-Зуҳд” (Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий) ва “Китоб ат-Тасаввуф” (Бишр ибн Ҳорис Марвазий) асарлариdir.

IX асрдан бошлаб, Марказий Осиёда тасаввуф таълимотларининг асосларига, унинг тизимлаштирилишига оид асарлар яратила бошланган. Бу йўлдаги илк назариётчи Ҳаким Термизий ҳисобланиб, Абу Бақр Калободий ва Мустамлий Бухорийлар бу ишни давом эттирганлар. Бундан ташқари, тасаввуфга бағишиланган бир қанча асарлар ҳам мавжуд бўлган. Масалан, “Ал-Олим вал-мутаъаллим” (Варроқ Термизий), “Ар-радд ала аҳл ал-ҳаво” (Алий Ғошидий), “Ал-лӯъ-луёту физ-зухд” (Аҳмад Насафий), “Ат-Таъарруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф” Абу Бақр Калободий, “Аз-Зуҳд ват-тазкир”, “Уюн ул-мажолис ва сурур уд-дорис” (Тоҳир Бухорий), “Шарҳ ат-Таъарруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф” (Мустамлий Бухорий), “Кашф ул-маҳжуబ” (Алий ибн Усмон ал-Жуллобий ал-Хужвирий) кабиларни кўриш мумкин.

Марказий Осиёдаги тасаввуфий-фалсафий таълимотларининг шаклланишини ўрганишда қуйидаги манбалар асос бўлиб ҳизмат қиласиди:

1. Ҳаким ат-Термизийнинг “Хатм ул-авлиё” (“Валийлар муҳри”) асарида тасаввуф таълимотларининг назарий-фалсафий асослари ишлаб чиқилган бўлиб, унда валоят (валийлик) концепцияси ёритилган.
2. Абу Бақр Калободийнинг “Ат-Таъарруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф” (“Тасаввуф аҳли йўли билан танишув”) асарида тасаввуфнинг асосий тушунчалари ҳақида маълумотлар берилган. Калободий бу асарида ўша даврда тасаввуфга кириб қолган ёт тушунчалар оқибатида одамлар онгига шаклланган тасаввуфга нисбатан салбий муносабатларни бартараф қилишга уринган ва тасаввуф йўлининг ислом таълимотларига мувофиқ

эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилган. Бу асар кўпгина тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, бу асарнинг тасаввуфий-фалсафий жиҳатларини эронлик тадқиқотчилардан Али Шайхулисломий ва Али Мехмонавозлар[4], ўзбек тадқиқотчиларидан эса Б. Намозов биринчилардан бўлиб тадқиқ қилган.

3. Мустамлий Бухорийнинг “Шарҳ ат-Таъарруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф” (“Тасаввуф аҳли йўли билан танишув асари шарҳи”) асари Калободий Бухорийнинг “ат-Таъарруф” асари таржимаси ва шарҳи бўлиш билан бирга унда ҳам тасаввуфнинг ислом шариатларига мувофиқ эканлигини исботлаш, шунингдек, бошқа исломий ва ижтимоий фанлар, калом ва фалсафага оид масалалар ёритилган. Мустамлий Бухорийнинг “Шарҳ ат-Таъарруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф” асарини кўпгина хорижлик тадқиқотчилар қаторида ўзбек тадқиқотчиларидан Жаъфар Холмўминов, Лобар Асророва, Комилжон Раҳимовлар ўрганган.

4. Абдулқосим Абдулкарим ибн Хавозан Қушайрийнинг “Ар-рисола ал қушайрия фи илм ат-тасаввуф” (“Тасаввуф илми тўғрисида Қушайрий рисоласи”) асари тасаввуф назариясига оид дастлабки асарлардан бўлиб, унда сўфийлар ҳаёти тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг ҳикматли сўзларидан намуна келтириш билан бирга тасаввуфнинг назарий асосларини тизимли равища очиб берган. Бу асар ҳам тасаввуфнинг ислом шариатига мувофиқлигини кўрсатиб беришни бош мақсад қилиб белгилаган.

Абдулкарим Қушайрийнинг ушбу асарини XI асрдаёқ Абу Али Ҳасан ибн Аҳмад Усмоний форс тилига таржима қилган. Шунингдек, ушбу асар устида А. Шиммел, А. Кныш, Х. Йилмаз, И. Носиров, Н. Комилов, Мубашшир Аҳмад, К. Раҳимов ва бошқалар тадқиқотлар олиб борганлар. 1978 йилда Тахсин ёзувчи томонидан турк тилига таржима қилинган. 2007 йилда эса А. Кныш томонидан инглиз тилига таржима қилинган.

5. Алий ибн Усмон ал-Жуллобий ал-Хужвирий “Кашф ул-маҳжуб ли аброр ал-қулуб” (“Қалблар эгаларининг яширин пардаларини очиб бериш”) асари тасаввуф назариясига оид асарлардан бири бўлиб, у тасаввуфнинг дастлабки даврларини ўрганишда қимматли манба ҳисобланади.

Хужвирийнинг “Кашф ул маҳжуб” асарини хорижлик тасаввуфшунос олимларидан Р.А. Никольсон, Х.К. Йилмаз, И.Носиров, О.Акимушкин, В.Жуковский, Н.И. Пригарина, А.Орлов, А.Корбен, Сулаймон Улудоғлар ўрганишган.

Бу асарни ўзбек тадқиқотчиларидан Н. Комилов, И. Ҳаққулов, Ш. Сирожиддинов, Ҳ. Ҳомидий, А. Абдуллаев, Ҳ.Болтабоев, М.Н. Болтаев, Р.Т. Шодиев, Г.Н Наврӯзова, Ҳ.С. Кароматов, З.Қосимова, М.Маматов, Г.С. Юнусова, З.Исақова, А. Азизқулов, Б.Б. Намозов, К.Раҳимов, Н.Н. Рамазонов, З.Нарзиев кабилар тадқиқ этганлар.

6. Машҳур мутасаввиф олим ва файласуф Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолий шахсияти ва асарларини ўрганиш тасаввуф тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистонда Имом Ғаззолий номи илм аҳли учун бегона эмас. Сўнгги йилларда унинг “Кимёи саодат” асари Маҳкам Маҳмудов ва Сайфиддин Сайфуллоҳ томонидан таржима ва нашр қилинди, машҳур “Иҳё ул-улум ад-дин” китобидан бир неча қисми таржима қилиниб, алоҳида китоб ва рисолалар ҳолида чоп этилган[5]. Шунингдек, ЎзФА И. Мўминов номидаги Фалсафа ва хуқуқ институти олимлари томонидан чоп этилган “Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар” монографиясида Имом Ғаззолийнинг ҳаёти ва

фалсафий қарашлари ҳақида қисқа маълумотлар берилган. Ғаззолийнинг бошқа бир машхур асари – “Мукошафат ул-қулуб”ни турк тилидан ўзбекчага ўтирган таржимон ва шоир Миразиз Аъзам ҳам китобга ёзган сўзбошисида бу зотнинг шахсияти ва унинг жаҳон фани тарихида тутган ўрни ҳақида тўхталиб ўтган. Профессор Ҳамидジョン Ҳомидий қаламига мансуб “Кўхна Шарқ дарғалари” ҳамда “Тасаввуф алломалари” китобларидан ҳам Имом Ғаззолий ҳаёти ва фаолияти ҳақида бирламчи маълумотга эга бўлиш имкони бор[6]. Ал-Басит – фикҳ илмида Ғаззолийнинг биринчи китоби ҳисобланади. Ушбу китобни у Низомулмулк қўшинида хизмат қилиб юрган пайтларида кўзга кўринган фақиҳлар билан қилган мунозаралари натижаси ўлароқ ёзиб тутгатган. Унда фикҳий масалалар шофеъия мазҳаби нуқтаи назаридан таҳлил ва талқин этилади.

Мазкур китобда у ўз устози Имом ул-Ҳарамайн Жувайнининг “Ниҳоят ул-матлаб” китобида баён этган ақидаларнинг тарғиботчиси ва ривожлантирувчиси сифатида кўзга ташланади. Ушбу китоб бугунги кунгача шофеъия мазҳабида фикҳ илмига оид энг мўътабар манбалардан ҳисобланади. Шунингдек, унинг “Мизон ул-амал” асари зоҳидлик ва ахлоқ масалаларига бағишлиланган. Ғаззолий зуҳд одоблари ва унинг ахлоқ масалалари билан уйғунлигини кўрсатиш билан бирга, солиҳ амалнинг моҳияти, қайси амаллар эзгу амал ҳисобланиши, қайси солиҳ амаллар охиратда ҳам инсонга фойда келтириши ва қайси амаллар ташқи томондан эзгу амал кўриниши билан аслида охиратда ҳеч қандай фойда келтирмаслигини кўрсатиб ўтган. Ғаззолий “Маъойир ул-илм”да ҳақиқий, манфаат келтирувчи билимларни кўрсатган бўлса, “Мизон ул-амал”да ҳақиқат ва эзгуликка элтувчи, нажот келтирувчи амаллар аслида қанақа эканлигини мисоллар билан шарҳлаб ўтган. Ғаззолий ўзининг “Ал-Мунқиз мин аз-залол” (“Адашишлардан саклагувчи”) асарида ҳикмат аҳли – файласуфлар, таълим аҳли – ботинийлар, шариат аҳли – фақиҳ ва мутакаллимлар ҳамда ваҳдат аҳли – сўфийларнинг қараашларини имон ва ҳақиқат тарозисига солиб, талқин қиласи ва ҳар бир йўналишнинг ўзига хос афзалликлари ва камчиликларини кўрсатиб беради.

Ҳолбуки, Миразиз Аъзам қайд қилиб ўтганидек, “Ғаззолий қисқа 53 йил...” умр кечирган, холос. Бироқ, ана шу қисқа умри давомида 100га яқин асар ёзиб қолдирган. Улар ислом динининг турли тармоқларига тааллуқли бўлиб, далиллар қамрови жиҳатидан жуда катта миқёсга эга. Мазкур асарлар тафсир, ҳадис, тарих, фалсафа, фикҳ, тасаввуф ва ирфон олимлари учунгина эмас, оддий одамлар учун ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Чунончи фақиҳлар Ғаззолийнинг “Басит”, “Важиз”, “Восит” каби асарларидан, муфассирлар, калом илмининг олимлари “Қавоид ал-ақоид”, “Ар-рисолат ал-қудсия”, “Ал-иқтисод фил-эътиқод” сингари китобларидан, мутасаввифлар ва умуман барча ҳақиқат ошиқлари “Ихё улум ад-дин” номли буюк асаридан баҳраманд бўлсалар, катта руҳий қувончни бошдан кечирадилар”[7].

### МУҲОКАМА

Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий ғоялар, таълимотларнинг шаклланиши ва такомиллашув босқичлари ғарб давлатлари шарқшунослигига ҳам юқори даражада тадқиқ этилган ва кўплаб асарлар ёзилган. Ушбу асарларни ўрганиш, Ғарб шарқшунослиги методологияси билан ҳам танишиш ва қиёсий таҳлиллар ўтказиш тасаввуфий масалаларни ёритишда муҳим аҳамиятга эгадир. Айниқса, Аннемари Шиммелнинг “Ислом оламининг тасаввуфий таълимоти”, Ж.С.Тримингэмнинг “Исломда сўфийлик мазҳаблари”, Рейнолд

Никольсоннинг “Ислом сўфийлари”[8], Евгений Эдуардович Бертельснинг “Сўфийлик ва сўфийлик адабиёти”, Алексей Хисматулиннинг “Сўфийлар ҳикмати” номли асарлари тасаввуф фалсафасини тадқиқ этишда алоҳида тилга олинади. Бундан ташқари, турк олимларидан Алтинташ Ҳайранининг “Тасаввуф тарихи”[9], Можид Фахрийнинг “Ислом фалсафасида қалом ва тасаввуф илмига кириш”[10], Эрайдун Селчукнинг “Тасаввуф ва тариқатлар”[11] номли асарлари ҳам Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий ғояларни ўрганишда асос бўлади.

Бундан ташқари, тасаввуф таълимотларининг системалаштирилишига оид кўплаб тадқиқотлар ҳам мавжуд. Масалан, Фарб олимларидан: А. Арберри («Мистика ислама»), Ж. С. Тримингэм («Суфийские ордены в исламе»), А. Кныш («Мусульманский мистицизм. Краткая история»), А.Шиммел («Мир исламского мистицизма»), А. Корбен («История исламской философии»); рус шарқшуносларидан: И. Носиров («Основания исламского мистицизма (генезис и эволюция)»); эрон тадқиқотчиларидан: С. Нафисий (“Эронда тасаввуф илдизлари”), А. Зарринкўб (“Эрон тасаввуфи борасида изланиш”); турк тадқиқотчиларидан: С. Улуғдоғ (“Тасаввуфнинг шаклланиш даври”), У. Турар (“Тасаввуф тарихи”), Х. Йилмаз (“Тасаввуф ва тариқатлар”), В. Гўктош (“Хижрий IV аср. Бухорда тасаввуф. Калобозий мисолида”); ўзбек тасаввуфшуносларидан Н. Комилов (“Тасаввуф”), А. Ёқубов (“Марказий Осиё ҳалқлари тафаккури ривожида тасаввуфнинг тутган ўрни” (X-XV асрлар)ларни келтириш мумкин.

Ууман олганда, машхур шайхлар ва валийлар тўғрисида китоб ёзиш ўша даврларда анъанага айланган эди. Бугунги кунда ҳам бу анъана давом эттирилмоқда. Масалан, бошқа давлатларда бўлгани каби бугунги кунда Туркияда ҳам тасаввуф илмига оид мутасавифларнинг қарашлари ва тариқатлар фалсафасини тадқиқ этишда кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Мисол учун профессор Мустафо Кара тасаввуфда ташқи муҳит ва маданиятларнинг исломлашишдаги таъсири, исломий туйгуларнинг сўфиёна шаклда ифодаланишини чуқур тадқиқ этади[12].

Шунингдек, тасаввуфга баъзи ташқи муҳит, ўзга маданият ва одатлар, фалсафалар таъсир қилганлигини баён қилиб, унга эътиroz билдиранларга қарши ислом тасаввуфининг манбаи Қуръон ва Ҳадис эканлиги, унинг руҳи, йўналиши бошқа эканлиги турк олими М.Жўшан[13] изланишларида исботлаб берилди. Шу билан бирга бу олимнинг Юнус Эмро[14] фалсафаси ва тасаввуфий қарашларига доир тадқиқотлари ҳам бундай тадқиқотлар орасида муҳим аҳамиятга эга.

## ХУЛОСА

Марказий Осиёда тасаввуфий-фалсафий ғояларнинг шаклланишига доир манбалар, қўлёзма асарлар дунёning турли мамлакатларига тарқалган бўлиб, уларнинг салмоғи жуда катта. Тасаввуф таълимоти ва ислом тасаввуфи фалсафасининг манбалари асрлар давомида ўрганилиб келинган ва бугунги кунда ҳам бундай ишлар давом этмоқда. Лекин тасаввуф таълимотига доир кўплаб қўлёзмалар бирқанча қўлёзмалар институтларида ҳали ҳам тадқиқотлар ўтказилишини қутиб ётибди. Мамлакатимизда ҳам тасаввуфий-фалсафий ғояларнинг ўрганилишида кўплаб натижаларга эришилган. Шундай бўлса-да, тасаввуфий ғояларнинг талқин қилинишида, ундаги қарама-қаршиликларнинг тўғри ёритилишида янгича ёндашувга асосланган тадқиқотлар ҳам зарурлиги маълум бўлмоқда.

**REFERENCES**

1. Мұхаммад Нуруллох Сайдо ал-Жазарий. Тасаввүф сирлари. – Тошкент: “Мовароуннахр” 2000. –Б 7.
2. Комилов Н. Тасаввүф. – Тошкент: Мовароуннахр, 2009. – Б. 22.
3. Усмон Турар. Тасаввүф тарихи. – Тошкент: “Истиқлол”, 1999. – Б. 12-15.
4. Раҳимов К. Мовароуннахр тасаввүфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: “Akademnashr”, 2020. – Б. 79.
5. Abu Homid al-Gazzoliy. Ihyou ulumid-din.(Din ilmlarini jonlantirish). – Toshkent, “Movarounnahr”, 2006. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi
6. Ҳомидий Ҳ. Тасаввүф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.150-152.
7. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафат ул-кулуб. –Тошкент: Адолат, 2002. – Б.3.
8. Reynold A. Nicholson. İslam süfleri (The mystics of islam) – Ankara: Kültür bakanlığı,1978. –S. 155.
9. Altıntaş Hayrani. Tasavvuf tarihi. – Ankara: Ankara üniversitesi ilahiyat fakültesi yayınları,1986. –S.170.
10. Macit Fahrı. İslam felsefesi kelamı ve tasavvufuna kısa bir giriş.–Ankara: İnsan yayınları, 1997. –S. 210.
11. Eraydin Selçük. Tasavvuf ve tarikatlar. –İstanbul: Marmara üniversitesi İlahiyat fakültesi vakfi yayınları, 1994. –S.504.
12. Mustafa Kara. Tasevvuf ve tarikatlar. – Istanbul: Yeni Yuzyıl kitaplığı. Emlak Bank’ın katkılarıyla İletişim Yayınları,1995. – S 113.
13. Жўшан М.А. Ислом, тасаввүф ва ҳаёт. – Истанбул: 1996. – Б. 135-137.
14. Жўшан М.А. Юнус Эмро ва тасаввүф. – Истанбул: 1995. – Б. 75-78.
15. S Evatov. (2020) The Role Of Philosophical Traditions In The Interaction Of Official Islam And Mysticism In Khorasan And Central Asia. Scientific Bulletin of Namangan State University 2 (6), 107-112
16. S Evatov. (2019) About The Synthesis Of Ibn Sina's Philosophical Teachings With Mysticism And Aristotelism. Scientific Bulletin of Namangan State University 1 (7), 174-179
17. Evatov S.S. Synthesis of other religious traditions (Buddhism, Judaism, Christianity) with mystical and philosophical teachings in Central Asia // Замонавий фан таълим ва тарбиянинг долзарб муаммолари. -Урганч, 2020. - № 12. – Б.224-230
18. Evatov S.S. The philosophical end theological ideas advanced by certain tendencies and schools in sufism // ERPA International Journal of Research & Development (IJRD). Volume: 5, Issue:7, July 2020. - PP. 1-3
19. Evatov S.S. Synergetic Aspects Of The Historical And Cultural Fundamentals Of The Development Of Confessional And Philosophical Doctrine In Central Asia. // The American Journal of Social Sciense and Education Innivation (ISSN-2689-100x). Volume: 02, Issue:10-57, October 31, 2020.- PP.352-359
20. Эватов С.С., Сиддиков И.Б. Социально-педагогическое влияние суфизма на формирование сознания современной молодежи // I Международный форум «Богословское наследие мусульман России»: Материалы международной научно-практической конференции: - Болгар, 2019. – С.224-227

21. Эватов С.С., Ганиев Б.С. Значение и роль исламско-теоритического (суфийского) учения накшбандия в духовно-просветительском воспитании молодежи // I Международный форум «Богословское наследие мусульман России». Материалы международной научно-практической конференции: - Болгар, 2019. – С.253-256